

Куч-адолатда

Адл ила олам юзин обод қил!

2022 йил
14 октябрь,
жума
№ 41 (919)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.kuch-adolatda.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОСИЁДА ҲАМКОРЛИК ВА ИШОНЧ ЧОРАЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШНИНГ VI САММИТИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари! Хонимлар ва жаноблар!

Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш саммитининг барча иштирокчиларини самимий кутлашдан мамнунман.

Учрашувимизни юқори савияда ташкил этгани учун Қозоғистон Республикаси Президенти ҳурматли Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаев номига билдирилган миннатдорлик сўзларига қўшилан.

Шунингдек, Кенгаш фаолияти юзасидан бугун бу ерда билдирилган баҳоларни ҳам маъқуллайман.

Ўтган давр давомида ушбу тузилма хавфсизликни таъминлаш, Осиёда ўзаро ишонч ва барқарор тараққиётни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан кенг ва очиқ мулоқот учун муҳим майдон сифатида ўзининг гоят зарур эканини кўрсатди.

Форумимизни трансформация қилиш масаласи бўйича қўшма фаолиятда иштирок этишга тайёрлигимизни билдираман.

Ҳурматли саммит иштирокчилари! Бугун биз халқаро муносабатларда ноаниқлик тобора ортиб, мулоқот ва ишончнинг мисли кўрилмаган даражада тақчил бўлиб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Буларнинг барчаси кўп томонлама ҳамкорлик асосларига путур етказмоқда, можораларнинг авж олишига сабаб бўлиб, глобал иқтисодиётда тизимли зулмларга олиб келмоқда.

Юзага келган янги геосиёсий воқеалик бутун Осиё қитъаси барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Инқирозли ҳолатлар Марказий Осиё давлатларига ҳам тўғридан-тўғри дахл қилмоқда, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш бўйича биз-

нинг саъй-ҳаракатларимизни секинлаштирмоқда.

Ушбу омилларнинг умумий хавфсизлик борасидаги манфаатларга, тараққиёт ва фаровонлигимизга таъсирдан келиб чиқиб, қуйидаги устувор йўналишларга эътибор қаратишимиз зарур.

Биринчидан. Афғонистондаги вазият алоҳида эътиборни талаб этмоқда.

Афсуски, бошқа ўтқир халқаро муаммоларнинг етакчи ўринга чиқиши натижасида Афғонистон масаласи иккинчи даражага тушиб қолмоқда. Ўтмишда ушбу давлат амалда халқаро террорчилик маконига айланиб қолгани билан боғлиқ аччиқ тажриба қайта такрорланишига асло йўл қўйиб бўлмайди.

Афғонистон муваққат ҳукумати билан ўзаро ҳамкорлик бўйича умумий ва мувофиқлаштирилган ёндашувлар-

ни ишлаб чиқишимиз зарур. Афғон муаммоси юзасидан кенг консенсусга эришиш ва глобал даражада амалий чора-тадбирларни қабул қилиш мақсадида Афғонистон ҳукумати билан томонларнинг ўз мажбуриятларини босқичма-босқич бажаришига қаратилган алгоритм, яъни тартиб-қоида ишлаб чиқиш ва келишиш лозим. Бунинг учун юқори даражада халқаро музокаралар олиб борадиган гуруҳни шакллантириш ҳақидаги ташаббус ифода этилган Осиё мамлакатларининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясига бир-галикдаги мурожаатида мужассам бўлган имкониятларни кўриб чиқишни таклиф этамиз.

Иккинчидан. Биз радикал гояларнинг кенг хуружга янада кўпроқ тўқнаш келмоқдамиз.

(Давоми 2-бетда) ▶

Мамлакатимизда кейинги йилларга аҳоли фаровонлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятига қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада Олий Мажлис Сенатининг ўттиз учинчи ялпи мажлисида "Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида"ги қонун сенаторлар томонидан маъқуллангани муҳим аҳамият касб этади.



Моҳият

Кўчмас мулкка оид янги қонун

бу борада давлат кафолати, мулкдорлар ҳуқуқларининг ҳимояланиш механизми самараси янада ортишига қаратилган



Мамлакатимизда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ меъёрлар Фуқаролик кодексига назарда тутилган. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш механизми ҳукуматнинг қарори, келиб чиқадиган низолаҳ эса, Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган Низом асосида тартибга солинади.

Юқорида қайд этилганлардан кўриниб турибдики, бир турдаги муносабатларнинг турли хил меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга со-

линиши ва ягона тизим яратилмагани соҳани тартибга солишда ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Шу сабабли фуқаролар ва тадбиркорларнинг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлари ҳимоясини янада кучайтириш ҳамда ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашни даврнинг ўзи тақазо этмоқда.

(Давоми 3-бетда) ▶

Остона саммитидаги Ўзбекистон ташаббуслари

13 октябрь куни Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг навбатдаги саммити бўлиб ўтди. Унда 50 га яқин кенгашга аъзо мамлакатлар ва кузатувчилар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар делегациялари қатнашди.

Кенгаш мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Эрон Ислом Республикаси Президенти Иброҳим Раисий, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф, Фаластин Давлати Президенти Маҳмуд Аббос, Қатар Давлати Амири Тамим бин Хамад бин Халифа Ал Таний, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти

Эмомали Раҳмон, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, шунингдек, Хитой Халқ Республикаси Раиси ўринбосари Ван Цишань, Вьетнам Социалистик Республикаси вице-президенти Во Тхи Ань Суан иштирок этди.

Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш (ОХИЧК) — хавфсизлик ва барқарорлик соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, савдо ва иқтисодий шериклик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги алоқаларни фаоллаштиришга қаратилган халқаро

форум. Жорий йилда ушбу форумни яратиш ташаббусига 30 йил тўлди.

Бугунги кунда ОХИЧКда 28 та давлат иштирок этмоқда. Яна 9 та мамлакат ва 5 та халқаро ташкилот кузатувчилар мақомига эга. ОХИЧКнинг олий органи Давлат ва ҳукуматлар раҳбарларининг саммити ҳисобланади. 2020 йилдан буён ОХИЧКда Қозоғистон раислик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев саммитдаги нутқида дунёдаги вазиятга баҳо берар экан, халқаро муносабатларда ноаниқлик тобора ўсиб, мулоқот ва ишонч мисли кўрилмаган даражада тақчил бўлиб бораётганини қайд этди.

— Юзага келган янги геосиёсий воқеалик бутун Осиё қитъаси барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 октябрь куни Остона шаҳрида Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш саммити доирасида қатор давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди.

САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган билан учрашувда кенг кўламли стратегик шериклик муносабатлари ва кўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш юзасидан олий даражада эришилган келишувларнинг амалга оширилиши кўриб чиқилди.

Қўшма инвестиция лойиҳаларини илгари суриш ва янги ишбилармонлик ташаббусларини амалга ошириш, Туркия етакчи компанияларининг мамлакатимиздаги давлат корхоналарини хусусийлаштириш жараёнидаги иштирокига алоҳида эътибор қаратилди.

Фаол гуманитар алмашинувларни, энг аввало, маданият ва таълим соҳаларида давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Жорий йил ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида ўтказилган Туркий давлатлар ташкилоти саммитига тайёргарлик масалалари муҳокама қилинди. Вазирларнинг "Ўзбекистон — Туркия — Озарбайжон" форматидаги мунтазам учрашувлари доирасида самарали мулоқотни кенгайтиришга келишиб олинди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишда юридик фактларни белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Ҳўш, юридик фактни белгилаш деганда нимани тушуниш мумкин?

Қонун кўмаги

Кечиккан гувоҳнома

ёки судда юридик фактларнинг белгиланиши тафсилоти



Амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг 293-моддасида суд томонидан юридик аҳамиятга эга бўлган қуйидаги фактларни аниқлаш тартиби белгиланган:

● болани фарзандликка олиш, шахсни бедарак йўқолган деб топиш ва фуқарони вафот этган деб эълон қилиш;

● шахсни муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш;

● шахсни файрихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш ёки унинг

ушбу муассасада ётиши мuddатини узайтириш;

● шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига файрихтиёрий тартибда ётқизиш ёки унинг ушбу муассасада ётиши мuddатини узайтириш;

● вояга етмаган шахсни тўлиқ муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация қилиш);

● мол-мулк ёки ашёни эгасиз деб топиш;

(Давоми 3-бетда) ▶

Оқлов

Барҳам топган ноҳақлик

Фарғона вилоятининг Бағдоғ туманида ҳуқуқшунос Илҳомжон Маманабиевни кўпчилик яхши танийди. Чунки И.Маманабиев оз эмас, нақ тўққиз йил мобайнида туман давлат нотариал идораси нотариуси лавозимида фаолият юритган, хизмат тақозоси туфайли кўплаб нотариал ҳаракатларни амалга ошириш билан бирга одамларга зарур ҳуқуқий маслаҳатларни берган. Қисқаси, у ҳалол меҳнати билан одамлар ўртасида обрў-эътибор қозонганди.

Аммо 2016 йилда унинг бошига ташвиш тушади. Аниқроғи, унга нисбатан кутилмаганда жиноят иши кўзгатилади. Сўнгра ушбу жиноят иши жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судида кўриб чиқилади.

Суднинг ҳукмига биноан, И.Маманабиев соҳага тегишли меъёрий ҳужжатлар талабларига асосан автомашинадан текин фойдаланиш шартномаларини тасдиқланлик учун давлат божи,



герб йиғими ва пуллик хизмат учун 29.600 сўмдан 32.500 сўмгача тўлов ундириши лозим бўлгани ҳолда нотариус котиблари У.Қобилов ва Г.Тўрақулова (жиноят ишининг уларга оид қисми тугатилган) билан ўзаро жинорий тил бириктириб, 2014-2015 йиллар

(Давоми 2-бетда) ▶

Таҳлил ва таклиф

Юридик шахсларнинг жавобгарлиги: хорижий тажриба ва миллий амалиёт



Мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь)га қўшилгани боис ушбу конвенция талабларини миллий қонунчиликда ахс эттириш ва унинг ижросини амалга таъминлаш вазифаларини ҳам зиммасига олган.

(Давоми 2-бетда) ▶

Тарих тилсимлари

«ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ»НИНГ ОЛТИ асрлик саяҳати

Соҳиқирон бобомиз Амир Темурнинг ҳаёт йўли, давлат бошқаруви, ўз фаолияти давомида эришган муваффақиятлари бир қатор тарихий асарларда, жумладан, "Темур тузуқлари" китобига батафсил ўз ифодасини топган.

(Давоми 4-бетда) ▶



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шу маънода "Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида"ги қонун юқорида қайд этилган ҳолатларни бартараф этишга қаратилгани билан эътиборга молик. Шу билан бирга, янги қонун норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасидаги тарқоқликни ҳамда ўзаро номувофиқликни бартараф этишга қаратилган яхлит қонун ҳисобланади.

Шу ўринда янги қонуннинг бу борадаги хусусиятларига тўхталиш ўринлидир.

Биринчидан, ушбу қонун кўчмас мулкнинг қуйидаги турларига яъни:

- ер участкалари;
- биноларга, иншоотлар, шу жумладан, қурилиш тугалланмаган объектлар;
- кўп йиллик дов-дарахтлар;
- мулкий мажмуа сифатидаги корхонага бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга нисбатан татбиқ этилиши белгиланмоқда.

Иккинчидан, давлат томонидан рўйхатдан ўтказиладиган кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар кетма-кетлиги белгилаб берилмоқда.

Учинчидан, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишда воқолатларнинг ўрни ҳамда улар кўрсатадиган хизматлар, шунингдек, воситачиларнинг рўйхати белгиланмоқда.

Тўртинчидан, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишда воситачиларнинг ўрни ҳамда улар кўрсатадиган хизматлар, шунингдек, воситачиларнинг рўйхати белгиланмоқда.

Бешинчидан, кўчмас мулкнинг кадастр йиғма жилдини шакллантириш, кадастр йиғма жилдига ва кадастр паспортига ўзгартишлар киритиш, шунингдек, кадастр йиғма жилдини тугатиш ва архивлаштириш учун ҳуқуқий асослар мустаҳкамланмоқда.

Олтинчидан, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишда рўйхатдан ўтказувчидан ташқари бош рўйхатдан ўтказувчиларнинг мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланмоқда.

Еттинчидан, ер участкаларига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш асосла-

ри, ер участкасига бўлган ҳуқуқларни белгилловчи ҳужжатлар, шунингдек, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиши асослари аниқ кўрсатилмоқда.

Янги қонуннинг қабул қилиниши натижасида кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг

ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори билан "Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги низом тасдиқланган.

Бугунги кунга кўчмас мулк-

мас мулклар ягона давлат реестрининг йўқлиги, энг асосийси, бино-иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги ягона қонуннинг қабул қилинмагани билан изоҳланади.

Эндиликда бу масалалар қонун тартибга солинмоқда. Яъни янги қонунда соҳага оид тушунчалар, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш, маълумотлар тақдим этиш тартиби, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказишни ташкил этиш, низолатни судгача ҳал этиш, жавобгарлик ва кафолатлар назарда тутилмоқда.

Бу кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг ҳимояланишига, айниқса, давлат томонидан кафолатланишига хизмат қилиб, иқтисодийетимизга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Янги қонун кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ меъёрларни ўзаро мувофиқлаштириш имконини бериб, атамалар, тушунчаларнинг бирхиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Хорижий давлатлар тажрибасини кузатадиган бўлсак, Буюк Британия, Норвегия ва бошқа давлатларда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳаси алоҳида қонун билан тартибга солинганини кўриш мумкин.

Шундай қилиб, ушбу янги қонуннинг қабул қилиниши натижасида кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишида давлат кафолати, мулкдорлар ҳуқуқларининг ҳимояланиши механизми самараси янада ортади, кўчмас мулк бозори ривожланади.

Илхом ҚУРБОНОВ,
*Олий Мажлис
Сенати аъзоси*



Моҳият Кўчмас мулкка оид янги қонун

бу борада давлат кафолати, мулкдорлар ҳуқуқларининг ҳимояланиши механизми самараси янада ортади қаратилган

моқда.

Бешинчидан, кўчмас мулкнинг кадастр йиғма жилдини шакллантириш, кадастр йиғма жилдига ва кадастр паспортига ўзгартишлар киритиш, шунингдек, кадастр йиғма жилдини тугатиш ва архивлаштириш учун ҳуқуқий асослар мустаҳкамланмоқда.

Олтинчидан, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишда рўйхатдан ўтказувчидан ташқари бош рўйхатдан ўтказувчиларнинг мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланмоқда.

Еттинчидан, ер участкаларига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш асосла-

ри, ер участкасига бўлган ҳуқуқларни белгилловчи ҳужжатлар, шунингдек, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиши асослари аниқ кўрсатилмоқда.

Янги қонун давлатимиз раҳбарининг ер ҳисобини юритиш ва кадастр фаолиятини ривожлантиришга оид муҳим ҳужжатлари ижросини таъминлашга ҳам қаратилган.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги "Кўчмас мулкка бўлган

ни давлат рўйхатидан ўтказиш жараёни бир неча босқичда амалга ошириб келинган.

Хар бир босқични таҳлил этиш, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш амалиётини орттириш, қолаверса, инвестициялар жалб қилинишига ва иқтисодийетимизга эришилади.

Булар асосан давлат рўйхатидан ўтказишнинг аниқ жараёни ва муддатлари белгиланмагани, кўп йиллик дахлатларга бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда кўчмас мулк ҳақидаги ахборотларни тегишли органларга тақдим этиш тартибларининг мавжуд эмаслиги, кўч-

мас мулклар ягона давлат реестрининг йўқлиги, энг асосийси, бино-иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги ягона қонуннинг қабул қилинмагани билан изоҳланади.

Эндиликда бу масалалар қонун тартибга солинмоқда. Яъни янги қонунда соҳага оид тушунчалар, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш, маълумотлар тақдим этиш тартиби, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказишни ташкил этиш, низолатни судгача ҳал этиш, жавобгарлик ва кафолатлар назарда тутилмоқда.

Бу кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг ҳимояланишига, айниқса, давлат томонидан кафолатланишига хизмат қилиб, иқтисодийетимизга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Янги қонун кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ меъёрларни ўзаро мувофиқлаштириш имконини бериб, атамалар, тушунчаларнинг бирхиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Хорижий давлатлар тажрибасини кузатадиган бўлсак, Буюк Британия, Норвегия ва бошқа давлатларда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳаси алоҳида қонун билан тартибга солинганини кўриш мумкин.

Шундай қилиб, ушбу янги қонуннинг қабул қилиниши натижасида кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишида давлат кафолати, мулкдорлар ҳуқуқларининг ҳимояланиши механизми самараси янада ортади, кўчмас мулк бозори ривожланади.

Илхом ҚУРБОНОВ,
*Олий Мажлис
Сенати аъзоси*

Қонун кўмаги

Кечиккан гувоҳнома

ёки судда юридик фактларнинг белгиланиши тафсилоти



◀ (Бошланиши 1-бетда)

● тақдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқлиги, энг асосийси, бино-иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги ягона қонуннинг қабул қилинмагани билан изоҳланади.

● йўқолган суд ишини юритишни тиклаш тўғрисидаги ишларни алоҳида иш юритиш тартибида кўриб чиқиш.

Бундан ташқари ушбу кодекснинг 295-моддасига мувофиқ суд фуқаролар ёки ташкилотларнинг шахсий, мулкий ҳуқуқлари юзага келиши, ўзгариши ёки тугашига сабаб бўладиган фактларни ҳам аниқлайди. Агар қонунчиликда уларни белгилашнинг бошқача тартиби назарда тутилмаган бўлса, суд юридик аҳамиятга эга бўлган бошқа фактларни ҳам белгилаши мумкин.

Маълумот тарихида айтадиган бўлсак, фуқаролик ишлари бўйича Бекобод туманларо суди томонидан шу йилнинг 9 ойи давомида 2 минг 420 та фуқаролик иши кўриб чиқилган бўлса, уларнинг 41 таси айнан юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлардир. Хусусан, оталиқни тан олиш, бола-нинг туғилгани, шунингдек, туғилган вақти ҳамда ўлимни қайд этилгани фактига оид 9 та ариза кўриб чиқилиб, ҳал этилган.

Оила кодексининг 205-моддасига кўра, мамлакатимизда болаларнинг туғилиши қайд этиш мажбурийдир. Бу болалар туғилган жойи ёхуд ота-онасидан бири доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтган жойидан қатъи назар, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида бир ой ичида амалга оширилиши лозим.

Шу ўринда ҳаётининг бир мисолига эътибор қаратамиз. 63 ёшли Насиба Шамсиева (исм-шарифлар ўзгартирилган) туғилганлик гувоҳномасини олиш учун Бекобод шаҳар ҚХДБ бўлимига мурожаат қилган. Аммо ҚХДБ бўлими туғилганлик гувоҳномаси беришга асосан мавжуд эмаслигини кўрсатиб, аризагининг мурожаатини рад этган.

Қонунчиликда аризачи юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни тасдиқлайдиган зарур ҳужжатларни бошқача тартибда олиши мумкин бўлмаган ёхуд йўқотилган ҳужжатларни тиклашнинг имкони бўлмаган тақдирда суд ушбу фактларни аниқлаш шартлиги қайд

этилган. Ана шу ҳуқуқий асосга таянган Бекобод шаҳар адлия бўлими Н.Шамсиевнинг манфаатини кўзлаб, судга даъво аризаси киритган.

Судда аниқланишича, Иброҳим Шамсиев билан Зеби Кенжаева 1957 йилдан бошлаб қонуний никоҳдан ўтмасдан туриб яшаб келган ва 1993 йил 16 сентябрда улар ўртасида қонуний никоҳ шартномаси расмийлаштирилган. Улар биразликда яшаган вақтида Насиба, Манзура ва Шавкат исмли фарзандлари туғилган. Аммо уларнинг эътиборсизлиги сабаби тўғри фарзанд бўлган Насибага туғилганлик гувоҳномаси олинмаган.

Оққўрғон тумани тиббиёт бирлашмасининг 2021 йил 18 ноябрдаги маълумотномасида Насиба Шамсиевнинг туғилгани билан боғлиқ архив ҳужжатлари сақланмагани кўрсатилган. Бекобод тумани Фуқаролик ва миграция бўлимининг маълумотномасида ҳам унинг шахсига оид ҳужжатлар йўқлиги қайд этилган. Бундан ташқари Давлат хизматлари агентлиги Тўшкент вилояти ҳудудий бошқармаси ҳам архивларда Н.Шамсиевнинг туғилганлик ҳақидаги ҳужжат мавжуд эмаслигини маълум қилган.

Н.Шамсиевнинг синглиси Манзура ва укаси Шавкатнинг туғилганлик ҳақидаги далолатномаларида Иброҳим Шамсиев ота, Зеби Шамсиева она сифатида қайд этилган. Шу боис суд уларнинг бир навадан туғилганига аниқлик киритиш учун суд-биологик экспертиза рўйхатдан ўтган жойидан қатъи назар, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида бир ой ичида амалга оширилиши лозим.

Шу ўринда ҳаётининг бир мисолига эътибор қаратамиз. 63 ёшли Насиба Шамсиева (исм-шарифлар ўзгартирилган) туғилганлик гувоҳномасини олиш учун Бекобод шаҳар ҚХДБ бўлимига мурожаат қилган. Аммо ҚХДБ бўлими туғилганлик гувоҳномаси беришга асосан мавжуд эмаслигини кўрсатиб, аризагининг мурожаатини рад этган.

Қонунчиликда аризачи юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни тасдиқлайдиган зарур ҳужжатларни бошқача тартибда олиши мумкин бўлмаган ёхуд йўқотилган ҳужжатларни тиклашнинг имкони бўлмаган тақдирда суд ушбу фактларни аниқлаш шартлиги қайд

Ғолибжон ВОҲИДОВ,
*фуқаролик ишлари бўйича
Бекобод туманларо суди
раиси*

Халқимиз қинғир ишнинг қийини қирқ йилдан сўнг ҳам чиқади, деб бежизга айтмаган. Афсуски, ҳаётда бу ҳикматнинг моҳиятини ҳамма ҳам бирдек англаб етмайди. Бунинг ҳаётини ифодасини жиноий қилмишга қўл урган кимсалар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.



Жиноят ва жазо ФИРИБГАРНИНГ сўнгги «сафари»

шаҳар судининг 2017 йил 16 июндаги ажримига кўра, Жиноят кодексининг 73-моддаси асосида ўталмай қолган 2 йил 1 ой 19 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган. Яъни унга нисбатан бир эмас, икки маротаба енгиллик берилиб, бағрикенглик қилинган. Бошқача айтганда, Ҳ.Саъдуллаевага қилмишидан тўғри хулоса чиқариб олиши ҳамда ҳаётда тўғри йўлни топшиши учун етарлича имконият берилган. Аммо орадан уч йил ўтгач, Ҳожи-

мурод яна эски қилиғини бошлаб қолди. Фақат бу гал бир ўзи эмас, ҳамтовоклари Исмоил Абдубаннопов, Даврон Ҳамидхонов ва Жўрабек Акрамжонов (улар жиноят ишлари бўйича Олмазор тумани суди томонидан қонуний жазога тортилган)лар билан бирга жиноят содир этди. Яъни улар ўзларига қарашли "Magnus med" масъулияти чекланган жамияти билан шартномавий муносабатга киришган хўжалик юритувчи субъектларни чув туширишди. Масалан, ўзаро жиноий тил бириктирган

ҳамтовоклар дастлаб 2020 йил 25 сентябрь кун "Magnus med" ва "Pharma choice" хусусий корхонаси ўртасида 301-сонли шартномани расмийлаштиришди. Бироқ ҳали тўловни амалга оширмай туриб, хусусий корхонадан 106.292.294 сўмлик дори воситаларини олишди. Сўнгра ушбу дори воситаларини Наманган шаҳрида дастлабки терговда шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган номаълум кимсаларга нақд пулга сотиб юборишди. Сотувдан тушган пулни жиноий шериклар ўзаро тақсимлаб олишди.

Шундан сўнг жиноий шериклар "Shayana farm" масъулияти чекланган жамиятини нишонга олишди. Аниқроғи, 2020 йил 22 сентябрдан 2020 йил 24 декабрга қадар ушбу корхона билан ҳам шартномалар тузиб, насаига дори-дармон олишди. Бу дори-дармонларни яна Наманган шаҳрида пуллаб, ҳамёнларини қаппайтиришди. Лекин маҳсулот ҳақини тўлашмайди. Энг ачинарлиси, жиноят қўлами кундан-кун кенгайиб борарди. Бинобарин, жиноий шериклар кейинги гал янада каттароқ "қадам ташлашди". Гап шундаки, Ҳожимурод, Исмоил, Даврон ва Жўрабек кейинги дори "операция"сига ўзларига бегона бўлмаган "Yaxshi piyat mega farm" масъулияти чекланган жамиятини ҳам жалб қилишди. (Давоми 4-бетда) ▶

НОҲАҚЛИК



Қолаверса, судда сўроқ қилинган фуқаровий даъвогарларнинг бирортаси нотариус пул сўрагани ёки пулни унга берганини билдирмаган. Кассация инстанция судида нотариус

ёрдамчиси У.Қобилова ва котиба Г.Сайдалиева дастлабки тергов жараёнида руҳий тазйиқ туфайли нотариусни айблаб кўрсатма берганини билдиришган. Бундан ташқари бирин-

чи инстанция суди фуқаровий даъвогарларнинг кўрсатмаларини қайси асосларга кўра, ишончга сазовор деб топганини асослантirmай, уларнинг И.Маманабиевни айблаш учун етарли далил бўла олмаслигига ҳуқуқий баҳо бермаган.

Яна бир гап. Жиноят процессуал кодексининг 322-моддасида жиноят ишини кўзғатиш учун шахсларнинг аризалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар, оммавий ахборот воситалари берган хабарлар, жиноят содир этилганини кўрсатувчи маълумотлар ва изланиш суриштирувчи, терговчи, прокурор, шунингдек, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг бевосита ўзи аниқлаши, айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз сабаб бўлиши белгиланган.

Бироқ И.Маманабиевга нисбатан жиноят иши кўзғатиш учун бирор-бир фуқаро ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга ариза билан мурожаат қилмаган. Энг асосийси, қайд этилган ҳолатларнинг барчаси суд муҳомасининг тўлиқ эмаслиги ва бир ёқлама ўтказилгани, суд ўз хулосасига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолатларни ҳисобга олинмагани, процесс иштирокчиларига, жумладан, судланувчига унинг ишга алоқадор вазлари судда текширилиши ва баҳолалиши билан боғлиқ қонуний ҳуқуқларининг чеклангани Жиноят-процессуал қонуни талабларининг жиддий бузилиши ҳисобланади. Ана шу асосларга таянган Фаргона вилояти суди жиноят ишлари бўйича Фаргона шаҳар судининг 2016 йил 5 октябрдаги ҳукмини бекор қилган ҳолда И.Маманабиевни айбсиз деб топиб,

оқлади. Шу билан бирга И.Маманабиевга ўзига етказилган мулк, маънавий ва бошқа зиёни қоплаш юзасидан фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилди. Қолаверса, суд ажримда моддий зарарни қоплаш мақсадида тўлаган 24.743.033 сўм маблағнинг И.Маманабиевга қайтарилгани ҳам белгиланди.

Шу тариқа тажрибали ҳуқуқшунос ноҳақ айбловдан халос бўлди. Адолат қарор топиб, нафақат ўзи, балки яқинлари, қариндош-уруғларининг ҳам амалдаги қонунларимизга, одил судловга нисбатан ишончи янада ортди. Энг муҳими, унинг элу юрт, қўни-қўшни, ҳамкасблари ва таниш-билишлари ўртасида юзи ёруғ бўлди.

Фаррух АБДУРАИМОВ,
*Фаргона вилояти суди
судьяси*

Жиноят ва жазо

Нобакорлар ҚИСМАТИ



Суднинг қора курсисига она ва унинг қизи исноддан бошларини кўтаролмай ўтиришибди. Бу икки нобакор инсонийликка хос бўлмаган мудҳиш жиноят — одам савдосига қўл уршган.

Хўш, аслида бу қилмиш қандай рўй берди? Уларнинг мақсаг-мудгаоси нима эди? (Давоми 4-бетда) ▶

Тарих тилсимлари

«ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ»НИНГ ОЛТИ АСРЛИК САЁҲАТИ



◀ (Бошланиши 1-бетда)

СОҲИБҚИРОН КИТОБ ЭЗГАНМИ?

Мазкур шоҳ асар орти асрдан буён дунё жамоатчилиги эътиборини ўзига тортди...

Ўтган давр ичида ушбу асар Амир Темур томонидан ёзилмаган, унинг вафотидан анча кейин яратилган...

тақдур фи ахбори Таймур" асаридаги маълумотларга мос келиши ва бошқа бир қатор тарихий фактлар асарни бевосита Амир Темур ёзганини тасдиқлайди.

Тарихий маълумотларга кўра, асар даставвал Амир Темурнинг она тили — эски ўзбек тилида ёзилган. Шарафиддин Али Яздий Амир Темур даврида унинг ҳаётидаги муҳим воқеаларни ўз ичига олган туркий ва форсий асарлар мавжуд бўлганини маълум қилган.

Ушбу китоб асрлар давомида бир қатор ҳукмдорлар учун дастуриламал вазифасини ўтаган. Эҳтимол, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома", Абулғози Баходурхоннинг "Шажараи турк" сингари асарларини ёзишга ҳам айнан "Тузуклар" туртки берган бўлиши мумкин.

ЯМАНДАН ТОПИЛГАН «ТУЗУКЛАР»

Бугун бизгача етиб келган хилма-хил кўлёмалар ҳажми, таркиби, услуби нуқтаи назаридан бир-биридан фарқланади. Бизга етиб келган кўлёмаларнинг энг қадимгиси XVII асрга мансуб бўлиб, у бобурийлар ҳукмронлиги даврида Ҳиндистонда кўчирилган. Китоб муқаддимасида битилишича, Аграда бобурийлар саройида хизмат қилган шоир ва таржумон Абу Толиб ал-Ҳусайний ал-Оризий ат-Турбатий Маккада ҳаж амалларини бажариб, орта қайтаётиганида Яман ҳукмдори Жаъфар подшонинг кутубхонасида туркий тилда битилган бир ноёб кўлёммага дуч келади.

Ат-Турбатий бу бебаҳо кўлёмани ўзи билан олиб келган

ва уни секин-асталик билан форсий тилга таржима қила бошлаган. 1637 йилда асар таржимасини тўлиқ битказиб, уни бобурийзода ҳукмдор Шоҳ Жаҳонга (1628-1659) туҳфа этган.

Шоҳ Жаҳон асар билан танишиб чиққач, ундаги воқеаларни Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома"си билан таққослаб чиқишни Декан музофоти фавждори Муҳаммад Афзал Бухорийга топшириб, хаттот ва муаррихлар ўзларидан кўшган ортиқча тафсилотларни ўчириб ташлашни буюради.

"Темур тузуклари"нинг шу пайтгача етиб келган барча кўлёмма ва тошбосма нусхалари учун айнан Абу Толиб ал-Ҳусайний ат-Турбатийнинг таржимаси асос бўлиб хизмат қилган.

Марказий Осиёда ҳукм сурган хонликлар даврида ҳам бу асарга жуда катта қизиқиш билдирилган. Шу боис унинг форсча кўлёммаси бир неча бор кўчирилган. Кейинги икки аср давомида "Темур тузуклари" бир неча бор тилимизга ўгирилган.

Ҳалиқимиз ва давлатчилигимиз тарихини ўзида акс эттирган ушбу нодир асар келгусида ҳам ўқиб ўрганилиши шубҳасиз.

Рустам ЖАББОРОВ, филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Қизиқарли фактлар

Бу дунёда инсоният пайдо бўлибдики, ҳамisha янглик яратишга, дунёнинг сир-синаотини англашга интилиб келади...

ИНСОННИНГ сирли жиҳатлари



Олимларнинг қайд этишича, одамда кўз ёш уч хил тарзда намоён бўлади. Анъанавий — кўз қорачигини чанг ёхуд бирор-бир бактериядан асраш учун қорачиқ атрофида ўзидан ёш пайдо бўлади.

Қизик томони шундаки, бир кунда инсон қорачиги камида 7 куб.см ёш тўкиши мумкин. Инсон ҳаёти давомида эса, фақат анъанавий сабаб туфайли тўкилган кўз ёшининг ўзи тахминан 70 литрни ташкил этади.

Савол туғилиши мумкин: ҳавода турли микроорганизмлар мавжуд-ку, нега улар кўзга ўз таъсирини ўтказмайди? Чунки кўз ёши таркибида лизоцим ферменти мавжуд бўлиб, бу модда кўзга тушган зарарли микроорганизмларни 5-10 дақиқа ичида парчалаб ташлайди.

Дарвоқе, кўз ёшининг фойдали хусусияти ҳам бор. Бу ҳақида дастлаб пенициллинни кашф этган Александр Флеминг фикр билдирган.

Бундан ташқари халқимиз "ийгласанг энгил тортасан" деб бежизга айтмаган. Бу нақл илмий жиҳатдан ҳам ўз исботини топган. Одам бирор-бир сабаб туфайли йиғлаганда кўзнинг шиллиқ пардаси тўхтовсиз асабга ижобий таъсир кўрсатувчи суяқлик ажратиб чиқаради.

Бундан ташқари олимлар нима учун эркаларга нисбатан аёллар йиғлашга мойил эканининг сабабларини ҳам аллақачон изоҳлаб беришган. Гап шундаки, эрка кишининг организми ишлаб чиқарадиган тестерон гармони кўз ёши пайдо бўлишига тўсқинлик қилади.

Маълумки, инсон танасига туркилик нафасини бағишлаб турувчи қон ҳам турли хил сир-синаотларга бойлиги билан киши эътиборини ўзига тортади. Қоннинг қизил рангда эканини ҳаммамиз яхши биламиз.

Бунинг асосий сабаби — киши организмидеги темир моддаси билан боглиқ бўлиб, у қонни кислотадан ташкил қилади.

Шунингдек, қон киши танасидаги тўқималарни мунтазам равишда янги-

лаб туради. Инсон организмидеги бир ой ичида 1 литр қон янгиланади. Қизик томони шундаки, инсоннинг қон гуруҳи умри давомида ўзгармайди, фақат тананинг ҳолати ва ёшига қараб тўқималар мунтазам равишда ўзгариб туради.

Шунингдек, инсон томирида оқаётган қоннинг ўртача тезлиги соатига 2 километрни ташкил этади. Бир кеча-кундуз давомида эса, юрак 10 минг литр қонни ҳайдаб беради.

Шунинг учун ҳам Японияда одамнинг совуққон ёки қизикқонлиги асосан қон гуруҳига боглиқ, деб ҳисобланади. Бундан ташқари улар тақвим башоратидан кўра, қўпроқ қон гуруҳи тахлилга ийшонади.

Инсоннинг сирли жиҳатларидан яна бири бугунги кунда моҳиятига етишига фан ҳам охирик қилаётган ойпарастлик касаллигидир. Аслида уйқусида ҳаракат қилувчилар ёхуд илмий тил билан айтганда, ойпарастлар ўзи ухлаётган бўлса-да, бемаъл ўрнидан туриб, кўзини очиб юра олиши, гапириши ёки у-бу ҳаракатни бажариши мумкин.

Мутахассислар ойпарастликни касаллик эмас, балки асабнинг генетик миқёсда ўзига хос бузилиши деб баҳолашади. Алломамиз Ибн Сино ва Беруний ҳам ўз даврида бу ҳақида фикр билдиришган. Жумладан, Абу Райҳон Берунийнинг фикрича, ой денгиз сувларини кўтарди, меваларни пишириб қўяди, одамнинг уйқусини ҳам пиширади.

Одатда, одам ухлаётган пайтда тана уйқуга кетиб, мия ишлашда давом этиб, турли хил тушлар кўришга олиб келса, ойпарастларда тана уйқоқ, мия эса, уйқуга кетган бўлади.

Айрим мутахассислар ойпарастлик хасталиги атрофдагиларга ҳаф туғдирмайди, аксинча, улар ҳатти-ҳаракатлари билан ўз ҳаётларини хатарга қўйишади, деб ҳисоблашади.

Мисол учун мутахассислар ўзини соғлом деб ҳисоблаган сийрагимиз ахалисининг учдан бир қисми уйқусида ўзлари билмаган ҳолда турли хил ҳатти-ҳаракатларни амалга оширади ва уйғонганларида бунинг эслаб олмади, деб ҳисоблашади.

Интернет материаллари асосида Хумон МИРЗО тайёрлади.

Жиноят ва жазо

ФИРИБГАРНИНГ СЎНГИ «САФАРИ»



◀ (Бошланиши 3-бетда)

2020 йил 10 октябр кунини ҳамтовоклари "Magnus med" ва "Lekhim" масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона ўртасида 494.256.571 сўмлик ҳамда "Yaxshi niyat mega farm" масъулияти чекланган жамияти ва "Lekhim" масъулияти чекланган жамияти ўртасида 870.242.971 сўмлик шартномаларни расмийлаштириб, буларнинг эвазига олинган дориларни аввалги усулда пуллашади.

Қўшма корхонага бор-йўғи 175.676.542 сўм ўтказишади, холос. Қолган 1.188.826.000 сўм миқдоридеги қарзларини тўлашмайди. Сотувдан тушган пуллари ҳар галгидек ўзаро тақсимлаб олишади.

Шу тариха ҳамтовоклар 2021 йил 23 февралга қадар жами 6 миллиард 550 миллион 211 минг сўмни фирибгарлик йўли билан ўзлаштиришган. Аммо Ҳ.Саъдуллаев қилмишларининг миси чиқишидан кўриб, хорижга қочиб кетади. Шунинг учун унга нисбатан қидирув эълон қилинди. Натижанда у 2021 йил 8 октябрда хорижда ушланиб, мамлакатимизга олиб келинади.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек тумани судида Ҳ.Саъдуллаевга оид жиноят иши кўриб чиқилди. Суд уни Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисми "а" банди билан айбдор деб топиб, 8 йил муддатга озодликдан маҳрум этди.

"Кўза кунда эмас, кундади синади", деб шунга айтишади-да.

Баҳромжон БЕРДИЕВ, жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек тумани суди судьяси

◀ (Бошланиши 3-бетда)

...Ўшанда 2016 йилнинг ёз ойлари эди. Шоҳиста (исм-шарифлар ўзгартирилди) ўрта мактабни битириб, олий таълим муассасасида ўқиш мақсадида ҳужжатларини топширганди. Шу боис у тенгқўр қизлар билан Самарқанд шаҳрида ижарага уй излаб юрганда, Зоҳида Калонхоновани учратиб қолади. У бу аёлнинг уйида бор-йўғи бир кун яшайди. Чунки бу хонадонда муҳит соғлом эмас, аллақандай бегона эркаларнинг қадами узилмасди. Шу сабабли Шоҳиста эртаси кунийқ уйдан чиқиб кетади.

Орадан бир неча йил ўтгач, микрофи, ўтган йилнинг март ойи бошларида Шоҳиста Самарқанд шаҳар Кимёгарлар кўргонида жойлашган банк муассасасига борганида тасодифан Зоҳида Калонхонова ва унинг қизи Шамсияни учратиб қолади. З.Калонхонова суҳбат орасида ёнида турган қизи Шамсиядан нолийди. Ҳали оила курмасдан ҳомиладор бўлиб қолгани, 2018 йилда ўғил фарзанд кўрганини айтarkan, болани боқишга қийналаётгани, қизининг фарзандига қарашга вақти йўқ эканидан ёзғиради, яхши бир оила қисса, набирасини бериш нияти борлигини билдиради.

Шоҳиста уларнинг гап-сўзларини эшитиб туриб, бирдан кайфияти тушиб кетади. Инсон ўз фарзандини худдай буюм каби қандай ўзгага бериб юбориши мумкин?... Ахир, фарзанд юрак кўридан яралмаганми?

Орадан бир ойма вақт ўтса-да, Шоҳиста бу гап-сўзларни эси-

дан чиқаролмайди. Шу боис у Зоҳида билан Шамсия фарзандини сотиш ниятидан қайтган-қайтмаганини биллиш мақсадида уларнинг уйига боради. — Биз битта гапирарасиз.

Жиноят ва жазо



Нобакорлар ҚИСМАТИ

— Агар 1 минг АҚШ доллари берсанг, Шамсия сенга яна битта бола туғиб беради. Зоҳиданинг безбетларча бу гапни айтишига Шоҳистанинг ўғилчаси бўла туриб, ёлғондакам фарзанд кўрмаётганини айтгани сабаб бўлганди. Шунда Шоҳиста уч ёшли Ўткирбек учун қанча сўрашларини сўрайди.

— Ўзинг олсанг, 300 АҚШ доллари берсанг етати, — дейди З.Калонхонова.

Шу пайт нариги хонадан Шамсия чиқиб келади ва онасига боиллаб беради: — Менинг ҳаққим-чи? 300 АҚШ доллари эмас, 600 АҚШ доллари бе-

расиз. Шоҳиста болани сотиб олишни ўйлаб кўришни айтиб, кетишга чоғланади. Она ва қизининг тубан нияти унинг буткул ғазабини кўзғатган эди. Шу

иштирокчиларига холислар иштирокида қилмасий ишлов берилган 600 АҚШ доллари тақдим этилади. Қисқаси, пул, бойлик илнжидан фарзандини пуллашдан тап тортмаган ноба-

корлар жиноят устида ашёвий далиллар билан қўлга олинади.

Улар тергов ва судда болани моддий томондан таъминлашга қийналгани учун яхши оилага фарзандликка бериш ниятида экани, уни сотишни хаёлларига келтирмаганини ваз қилиб келтиришди.

Суд судланувчиларнинг бу вақтини ўзларига тайинланадиган муқаррар жазодан қутулишга уриниш деб топди.

Афсуски, судланувчи Зоҳида ва Шамсия Колонхоновалар олдиндан ўзаро жиний тил бириктириб, 2018 йилнинг 26 март кунини туғилган, вояга етмаган Ўткирбекни сотишни кўзлашган.

Суднинг ҳукми ўқилди. Ҳар икки судланувчи Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисми "а" бандида кўзда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилди. Судланувчи З.Калонхонова суд залидан қамоққа олинди ва тўрт йил олти ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Суд судланувчи Ш.Калонхоновага жазо тайинлашда унинг ёлғиз она бўлиб, оиласи моддий етишмовчиликка ҳамда ижтимоий ёрдамга эҳтиёжманд кам таъминланган оила ҳисобланганини, бир оилада икки киши судланаётгани ҳамда жиноятдаги иштирокчилик даражасини инобатга олиб, жамиятдан ажратмасдан туриб ахлоқан тузатиш имконияти мавжуд, деган қатъий ҳулосага келди.

Суд Ш.Калонхоновага Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб, айбланган модда санкциясида назарда тутилмаган бошқа энгилроқ турдаги жазо тайинлашни лозим топди. Унга беш йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлади.

Суд ҳукми билан келгусида Ўткирбекнинг тарбияси ва парварлишларини таъминлаш ҳамда уни фарзандликка бериш масаласини ҳал этиш Самарқанд шаҳар Васийлик ва ҳомийлик органи зиммасига юклатилди.

Ҳулоса қилиб айтганда, фарзанд сотиладиган буюм эмас, бундай қилмиш фақат ва фақат афсус-надоматга сабаб бўлади. Одам савдоси жиноятига қўл урган кимсалар муқаррар жазодан ҳеч қачон қочиб қутулолмайди.

Ориф ПАРДАЕВ, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди раиси

Куч — адолатда

МУАССИСА: Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Бахтиёр ИСЛАМОВ, Робохон МАХМУДОВА, Халилullo ТУРАХУЖАЕВ, Икром МУСЛИМОВ, Холмўмин ЁДГОРОВ, Зарифжон МИРЗАКУЛОВ, Замира ЭСОНОВА, Азиз АБИДОВ, Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

Сардор ҲАМРОЕВ, Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Манзиллими: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй. Тел.: 71-241-01-56, 71-239-02-54. E-mail: kuch-adolatda@mail.ru. Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575. Буюртма: G-1015 Қўғоз бичими: А-2. Ҳажми: 3 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 4160. 1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21³⁰. Топширилди: 23³⁰.